



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAX'SUS TA'LIM VAZIRLIGI
A. QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**CHET TILLARINI O'RGATISHNING TURLICHA
YONDASHUVLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR**
Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari 2021 yil 1-iyun

**Proceedings of the International Scientific-Practical
Conference**
**DIFFERENT APPROACHES TO FOREIGN LANGUAGE
TEACHING: PROBLEMS AND SOLUTIONS**
2021 June 1

Jizzax 2021

футур I и в относительном значении, разница заключается лишь в степени употребительности обеих форм: футур I в относительном значении гораздо реже презенса. Установив синонимичность презенса в значении будущего и футур I, необходимо рассмотреть также вопрос о том, нет ли каких либо различий между ними, касающихся более тонкого определения времени совершения действия.

Естественно, что между футур I и презенсом имеется определённое временное различие. Хотя обе формы выражают будущее действие, но футур I имеет ещё дополнительное значение: он выражает разобщённость этого будущего действия с моментом речи, т.е. обозначает его целиком в сфере будущего, полностью определённым от момента речи. Презенс этого дополнительного значения не имеет; в отличие от футур I он не выражает идею разобщённости с моментом речи. Практически он чаще всего употребляется, когда будущее действие оказывается неразобщённым с моментом речи, тесно связанным с настоящим, не отделённым от него.

Использованная литература:

1. Жеребков В.А. Временная соотносённость в системе немецкого глагола // Учёные записки Ярославского пед. инс-та иностр. яз., вып. 4, 1965. –с.58.
2. Karimova D.H. (2021). ON THE HISTORY OF THE CREATION OF GRIMM BROTHERS' FAIRY TALES AND THEIR TRANSLATIONS INTO UZBEK. // *Euro-Asia Conferences*, 3 (1), 85-87. Retrieved from <http://papers.euroasiaconference.com/index.php/eac/article/view/298>
3. Karimova D.H. (2020) [Variability and invariability in Fairy tales \(as the exsample of the translation of Grimms Fairy Tales\)](#). // *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. ISSN: 1475-7192., 138-144.
4. Khudoev S. Spielerische Arbeitsformen im Fremdsprachenunterricht. // MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS: a collection scientific works of the International scientific conference (28 th february, 2018) - Warsaw: Sp.zo.o. "iScience", 2018. – 66-69 p. <https://sciencecentrum.pl/wp-content/uploads/2018/10/MODERN%201%20web.pdf#page=67>
5. Nemischa – o‘zbekcha lug‘at [Matn] / A. A. To‘laganov [va boshq.]. - Buxoro: "Sadriddin Salim Buxoriy" Durдона rashriyoti, 2018. - 812 b.

АҚШ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА НАТУРАЛИЗМ АДАБИЙ ОҚИМИГА МУНОСАБАТ

Очилов Улуғбек Сайфуллоевич,

БухДУ Инглиз адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақола АҚШ ва ўзбек адабиётшунослигида натурализм адабий оқимиغا муносабатни ўрганишга бағишланган. Мақола муаллифи бу масалани кўзга кўринган олимлар асарлари ва ўз илмий қидирувларига таяниб ёритишга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: натурализм, танқидий реализм, адабий оқим, Америка адабиёти, ўзбек адабиёти

Жаҳон адабиётшунослигида натурализм адабий оқим сифатида XIX аср охирида Францияда яралгани ва ривожланганлиги ҳамда ва унинг асосчиси Француз ёзувчиси Эмиль Золя эканлиги тан олинган. Америка адабиётида эса натурализм дастлаб Франк Норрис ижодида намоён бўлди. Америка адабий танқидчилари Ричард Руланд ва Малколм Бредбериларнинг таъкидлашларича, Норрис Францияда санъат ва адабиётдан таълим олган ва у ердан Эмиль Золя ижодидан таъсирланиб қайтгач, АҚШнинг Калифорния университетида ишлай бошлаган. У ўзи билан Эмиль Золянинг қатор асарларини олиб келган ва унинг натурализмнинг АҚШда ёйилишига замин яратган. [7,230]

Бу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, натурализм Европада тарқалишни бошлаганига бир ярим аср бўлса-да унга нисбатан муносабатда ҳали ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Буни натурализмнинг энг кўзга кўринган намояндаси Теодор Драйзер асарларига муносабат мисолида ҳам кўриш мумкин. Драйзернинг ижоди кенг қамровли бўлиб, баъзилар унинг ишлари танқидий реализм адабий оқимига тегишли дейишса, бошқалар унинг ижодини натурализмга алоқадор деб ҳисоблашади. Баъзи манбаларда эса реализм ва натурализм бир оқимнинг ўзи, ёки “натурализмни “кучайтирилган реализм” деб ҳисоблашади. [12] Адиб ва адабиётшунослар орасида натурализмни ҳаттоки “романтизмнинг бир шакли” деб баҳолаганлар ҳам бор.[7,230]

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида натурализм ҳақида ёзилган маълумотдан: “Натурализм – 19-асрнинг охириги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида юзага келган оқим ва ижодий метод; реал борлиқни объектив, аниқ ва ҳиссиз акс эттиришга интилан.

Адабиётда Натурализм инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Натурализм дастлаб Францияда пайдо бўлди. Француз адиби ўзининг “Экспериментал роман” (1880), “Натуралист романчилар”, “Театрда натурализм”, “Драматургларимиз” (1881) асарларида

Натурализмни ижодий метод сифатида асослаб берган...

Гарчи Россия адабий муҳитида “Натурализм” атамаси бевосита қўлланмаган бўлса ҳам бу оқим таъсири Д.Е.Маминсибиряк, П.Д.Боборикин ижодида сезилади.” [10, 105]

Ўзбек адабиётшунослигида натурализмга нисбатан аниқ муносабат ва бу борада ёзилган илмий ишлар деярли мавжуд эмас. Адабиётшуносликка оид баъзи асарларда бу борада қисқагина маълумот берилали. Мисол учун, 21-асрда нашр этилган Умнат Тўйчиевнинг “Ўзбек адабиётида бадиийлик” монографиясида, гарчи бошқа адабий методлар ҳақида анчагина кенг маълумот берилган бўлса-да, натурализм ҳақида “Дунёда “символизм”, “натурализм”, “модернизм” деган ижодий методлар ҳам бор” – деб бир гап билан эслатиб ўтилган. [8,350]

979 йилда нашр қилинган “Адабиётшуносликка кириш” китобида натурализм ҳақида қисқача қуйидагича маълумот берилган:

“Натурализм” оқими мумкин қадар мукамал реализмга эришишга бўлган интилишлар натижасида вужудга келган. Аммо бу оқим вакилла–рининг асарларидаги ортиқча тафсилотлар, икир-чикирлар гоҳо эстетика ва этика даражасидан чиқиб кетади ва китобхонни ёки томошабинни асосий образлар, ғоялар, маънавий муаммолардан чалғитади. Француз ёзувчиси Эмиль Золянинг “Тереза Ракен”, “Ижод” романларида, Мопассаннинг баъзи ҳикояларида шу ҳолни кўриш мумкин. Аммо натурализм оқими вакиллари кўпчилик асарларида ҳаётнинг чинакам реалистик картиналарини яратдилар.” [9,218]

Кўриниб турибдики, ўзбек адабиётшунослигида натурализм ижодий методи ва адабий оқими етарлича эътибор қозонмаган.

Бу ўринда савол туғилади: нима учун бир асарнинг ўзини, жумладан “Америка фожиаси” ни, рус адабиётшунослари танқидий реализмга, америка адабий танқидчилари эса натурализмга алоқадор деб ҳисоблашади. Фикри-мизча, бунинг сабаби шундаки, танқидий реализмда ҳам, натурализмда ҳам жамиятдаги ҳодисалар, атроф-муҳитда содир бўладиган воқеалар қаттиқ танқид қилинади. Танқидий реализм ҳам, натурализм ҳам аслида реализм-нинг кўринишларидир. Фақат америкалик олимлар натуралистик асарлардаги протоголист, яъни бош қаҳрамонлар, инсон табиатига объектив ва чуқурроқ тавсиф беришга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, натура-листик асарларда инсон ўз ирода кучига эга бўлмаган, жамият ва табиат, биологик жараёнлар таъсиридаги бир нотавон жонзотдир. У- ўз тараққиёт қонуниятларига эга бўлган табиатнинг бир заррасидир.

АҚШ адабиётшуносларининг таъкидлашича, натурализм ижодий методининг асосий хусусиятларидан бири детерменизмдир. Ўзбек адабиётшуноси Иззат Султон детерменизм ҳақида, унинг турлари ҳақида қуйидагича ёзади: “ (Детерменизм шартланганлик демакдир.) Социал детерменизм кишида бўлган хусусиятлар бу киши туғилган ва ўсган социал шароитнинг натижаси, меваси эканини тасдиқ этади...”

Психологик детерменизм – киши психологиясининг нисбатан мустақил ҳодиса эканини, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари борлигини кашф этади.” [6,381]

АҚШ адабиётшунослигида Стефен Крейн (Stephen Crane), Жек Лондон (Jack London), Френк Норрис (Frank Norris), Теодор Драйзер (Theodore Dreiser), Аптон Синклер (Upton Sinclair) ни кўпгина асарлари натурализм руҳида ёзилган ёзувчилар деб ҳисоблашади ва уларнинг ижтимоий муаммоларни фош этганларини ва дарвинизм ғоялари таъсирида бўлганларини таъкидлашади.

Кўпгина рус ва ўзбек адабий манбаларида эса натуралистлар ижодида Ҳерберт Спенсер фалсафасининг таъсири кучли эканлигини эътироф этишади. Гарчи бу ўринда адабиётшунослар бошқа-бошқа олимлар таъсирини таъкидлаганлари туфайли фикрларда катта фарқ бордай туюлса-да, аслида ундай эмас, чунки Чарльз Дарвин (1809-1882) ҳам, Ҳерберт Спенсер (1820-1903) ҳам эволюция назариясини, фалсафасини яратган ва ривожлантирган олимлар.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда нашр этирилган адабиётшуносликка оид луғатларда натурализмга анчагина кенг эътибор берилган. Бу ҳам ўзбек адабиётшунослигининг жаҳон адабиётшунослигига мантиқан кириб бораётганидан далолат беради. Жумладан, Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиеваларнинг 2012 йилда нашр этирилган “Адабиётшунослик луғати”да натурализм адабий йўналиши борасида анчагина кенг маълумот берилган: «Натурализм - табиий фанлар соҳасида эришилган улкан муваффақиятлар таъсирида XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Европа адабиётларида шаклланган адабий йўналиш. Илк бор Францияда майдонга келган Натурализмнинг фалсафий асоси - позитивизм, О.Конт таълимотидир. XIX асрнинг 70-йиллари ўрталарига келиб Э.Золя атрофида шу йўналишга мансуб ижодкорлар (Г.Флобер, Ги де Мопассан, Г.Ибсен ва б.) мактаби шаклланган. Э.Золя ўзининг «Экспериментал роман», «Натуралист романавислар» номли асарларида Натурализмнинг назарий асосларини ишлаб чиқди.» [11,203]

Аввалги мисолларда натурализмнинг Чарльз Дарвин ва Ҳерберт Спенсер таълимотларига асосланганлиги эътироф этилган бўлса, ушбу луғатда унинг фалсафий асоси О.Конт таълимоти бўлган позитивизм эканлиги таъкидланган.

Луғатдаги маълумотнинг давоми қуйидагича:

“Табиий фанларнинг табиат сирларини ўрганиш борасидаги ютуқларидан илҳомланган натуралистлар жамиятни, инсонни шу каби теран, юксак даражадаги аниқлик билан тадқиқ этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар, уларга кўра, бадиий билиш илмий билишга монанд бўлмоғи зарур. Шунга кўра, улар асарнинг бадиийлик даражасини ҳам унда билиш амали нечоғлик кўламли ва чуқур амалга ошганидан келиб чиққан ҳолда белгилаганлар. Улар ҳаётни борича, бўяб-бежамасдан, бирон-бир мафкура ёки ахлоқий тарбия мақсадларига йўналтирмаган ҳолда тасвирлаш керак деб билишади. Яъни натуралистлар адабиёт ҳаёт материални танлаб тасвирлаши керак эмас, уни борича тасвирлаши керак, адабиёт учун бегона мавзу ёки сюжет йўқ деб ҳисоблайдилар. Натуралистлар асосий эътиборни маиший тафсилотларга, инсон руҳиятининг физиологик асосларига, унинг феъл-хуви, ҳатти-ҳаракатлари, тақдиридаги тушунтириш қийин жиҳатларига қарата-дилар. Улар учун ижодий қайта яратиш эмас, натурани аслига мувофиқ тасвирлаш муҳим.” Шунингдек, луғатда натурализмнинг ижобий томонларига ҳам эътибор берилган: “Айни чоғда, натурализм адабиёт тарихида ўзининг муайян ижобий изини ҳам колдирди. Жумладан, жамиятнинг энг қуйи қатламлари турмушини икир-чикиригача тасвирлашга интилиш, инсон руҳиятининг энг чуқур пучмоқларигача кириб боришга интилиш каби жиҳатлар реалистик адабиёт имкониятларининг кенгайишига хизмат қилди;”

Кўришиб турибдики, ушбу адабиётшунослик луғатида натурализм ҳақида илгариги шу турдаги луғатлардан анчагина кенг маълумот берилган.

Илмий ишларимизда натурализм ҳақида сўз юритилар экан, биз асосан Америкалик адабиётшунос олимлар фикрига таянамиз. Бу ўринда табиий равишда савол туғилиши мумкин: нима учун рус адабиётшунослари ёки ўзбек адабиётшунослари фикрига эмас, АҚШ олимлари фикрига таяниляпти?

Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: гарчи натурализмга француз ёзувчилари асос солган бўлсалар-да, кейинчалик бу ижодий метод Европанинг бошқа давлатлари ва АҚШ ёзувчиларига катта таъсир кўрсатди.

Айниқса, АҚШда бу методда ижод этган адиблар сони бошқа мамлакатлардан кўра анча кўп. Биз юқорида АҚШ натуралист ёзувчиларидан энг таниқли беш нафарини санаб ўтган эдик. Аммо кейинчалик ҳам АҚШда шу оқим таъсирида ижод этганлар мавжуд. Табиийки, ушбу оқим таъсирида ёзилган бадиий асарлар кўп бўлгандан кейин, улар ҳақида ёзилган илмий ишлар, баҳсу мунозаралар ва натижада умумлашмалар ҳам кўп бўлади. АҚШлик адабиётшуносларнинг бошқалардан фарқи шуки, улар натурализмнинг реализм заминида вужудга келганини эътироф этишлари билан бирга, бу асарлардаги протогонистлар, яъни бош қаҳрамонлар тақдири ва уларнинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратганлар. Натурализм руҳида ёзилган асарлар қаҳрамонлари тақдирига уларнинг иродаси бўшлиғи ёки қандайдир ҳолатларда ташқи муҳит таъсирига етарлича қарши тура олмаганликлари таъсир қилганини илмий асослаб берганлар. [13]

Биз ҳам илмий изланишларимизда шу йўлдан боришга ҳаракат қиламиз. Натурализм ижодий методига эса реализмнинг бир тури сифатида ёндашиб, уни баъзида “натуралистик реализм” деб ҳам атаймиз. Адабиётшуносликда “танқидий реализм”, “социалистик реализм”, “янги реализм” (new realism) сеҳрли реализм (magic realism) каби атамалар қаторида “натуралистик реализм” атамасидан ҳам фойдаланиш мумкин деб ўйлаймиз. Чунки бу атама натурализмнинг алоҳида бир ижодий метод эмас, балки реализмнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлаб туради.

Адабиётлар:

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи –Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
2. Богословский В.Н., Гражданская З.Т. Зарубежная литература XX века.–Москва: Просвещение, 1979.
3. Гражданская З.Т. Зарубежная литература XX века – Москва: Просвещение, 1973.
4. Дубашинский И. Предисловие. В кн. Т.Bronkavich. Dreiser and his contemporaries. – USA: New York Publishing House, 2000.
5. Kathryn VanSpanskeren. Outline of American Literature. – USA, 1994.
6. Султон Иззат. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
7. Ruland R. and Bradbury M. From Naturalism to Postmodernism. –USA: Penguin Books, 1992.
8. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.

АРТУР КОНАН ДОЙЛЬ ИЛМИЙ ФАНТАСТИКАСИДА ИНСОН ОМИЛИ ТАЛҚИНИ.

Ф. Нарбеков ЖДПИ

Annotation: This article deals with the influence of scientific imagination to the human soul in the world culture. The article is about the catastrophic impact of morality on the human heart in the world culture

Key words: influence, scientific, motor, the moonlight, the Horror, height, a jelly-fish, gorgeous vision.

1911 йилда Артур Конан Дойл “Браун-Перикорднинг мотори” (The Great Brown-Pericord Motor) ҳикоясини ёзди ва мақола илмий фаразга замонасининг дунё маданиятидаги ахлоқ-одобнинг инсон қалбига фалокатли таъсири ҳақидаги мулоҳазалар билан бирлаштириб юборади. Асар сюжети марказида ғалати учиб аппаратнинг кашф этилиши туради. Олимлар Браун ва Перикорд куш мисоли учиб ускунасини ясади. Ҳар қачонгидек, бу ерда ҳам техник тафсилотлар кўплаб келтирилган.”Кичкинагина тўрт бурчакли метал қути кўплаб симлар орқали кенг пўлат ёқа ёки белбоққа уланган бўлиб, бу белбоққа ёнларидан сиртига чиқиб турган иккита кучли мослама жойлаштирилган. Ёқа қўзғалмас, аммо қисқа дастаклар ўрнатилган мосламалар бир неча дақиқа давомида қайталанадиган ёруғлик алангасида тез-тез айланиб чиқар ва ҳар бир айланиб чиқишдан сўнг бир лаҳзага тўхтаб қолар эди. Маълумки, уларни ҳаракатга келтирувчи қувват метал қутидан олинар эди. Озоннинг нафис ҳиди ҳавода осилиб қолгандай”[1, www.lib.ru/ACONANDOJL].

Ҳикояда учиб ускунаси кушга ўхшатирилган. У парвозини метал қанотлари ёрдамида амалга оширади. ”Машинанинг қаттиқ гуруллаши эшитилди. Биринчи силтаниш даврида катта сариқ қанотлар титраб қақшаб тебраниб кетишди. Сўнг яна тебраниди. Учинчи марта эса салгина оҳиста ва кучли, катта қулоч ёйиб силтанди. Тўртинчиси саройда шамол кўтарди, бешинчисида ғишт солинган қоп чорпоядан секин кўтарилди, олтинчисида қоп аста сакради ва паррақлар еттинчи марта қулоч ёймаганида ва уни осмонга баланд кўтариб ташламаганида ерга қулаб тушган бўлар эди. Секингина ерни тарк этган машина оғир қанот қоқа бошлади ва худди ғалати кушга ўхшаб омборни гуруллаган овози ва шовқинига тўлдирган ҳолда доира бўйлаб уча бошлади”.

В.О. ИСАНОВА, К.Х. ОРИФЖОНОВА, - Валентликнинг лисоний-функционал тадқиқи	356
Н.Т. НАРЗИЕВ,- Сўз ясовчи бирликларнинг семантик муносабати	359
О.Б.МАЛЛАЕВА,- Хориж мактаблари ўқитувчиларининг билвосита малака ошириш курслари бўйича қарашлари	363
С.Ҳ.АХМЕДОВА,- Инглиз ва ўзбек халқ эртақларида қуш кўринишидаги кўмакчилар.....	366
С.С. ХУДОЕВ,- Выражение будущего времени в немецком языке	368
У.С.ОЧИЛОВ,- АҚШ ва ўзбек адабиётшунослигида натурализм адабий оқимиға муносабат	370
Ф. НАРБЕКОВ ,- Артур Конан Дойль илмий фантастикасида инсон омили талқини.....	374
Ф.НОРБЕКОВ, Ў.МУҲАММАТОВ,- Илмий фантастиканинг поэтик хусусиятлари	379
Д. ХОЛМАТОВ,- Модал сўзларнинг морфологик тузилиши	383
Ш. Х. ДЖАББАРОВ,- Инглиз ва ўзбек тилларида синхроник ва динамик вақтнинг концептуал симметрик асослари.	385
A.A. SHARIPOV,- Linguoculturological characteristics of genuine translation in english and uzbek language translators	388
Н.К. ЮНУСОВ,- Инглиз тилида ёзилган ва криминал контентга эга бўлган газета дискурсининг хусусиятлари	390
Н. ЖАЛГАСОВ,- Провербиальные образования, характеризующие поведение и образ жизни человека	392
E.M. YUSUFALIEV,- Ta'limga oid pedagogik terminlarning lingvistik tadqiqi.....	395
K.A. ABDUMANNONOV,- Issues of translation of phraseological units when compiling a phraseological minimum(on the example of phraseological units of the semantic field “joy and happiness”)	399
T.A. АБДУСАЛЯМОВА,- Интерпретация синтаксических трансформаций при переводе текстов с китайского на русский язык.	404
Д.А. РАХМАТУЛЛАЕВА,- Инглиз тили неологизмларининг семантик таснифи.....	407
G.SH. ABSALAMOVA,- Fransuz mutafakkiri Michel de Monten farzand tarbiyasi xususida	409
Н. ХУШИЕВА,- Инсоният маънавий ривожланишида таржима назариясининг хронологик босқичлари	411
S. T. XUDOYOROVA,- Ingliz va o'zbek tillarida toponim komponentli frazeologik va paremiologik birliklarning kelib chiqish manbalari.	414
SH. XASANOVA,- Rus tilshunosligida frazeologizmlarning tadqiqi	416
M. TURSUNBOYEVA,- A study of the concept of “hayo-ibo” in translation from Uzbek to English	420
F.R. TURG'UNOVA, U. FAYZULLAYEVA ,- Gazeta va jurnalistik uslubning xususiyatlari.....	421
X.SOLIEVA,- Muallif bayonida kinoya(istehzo) mazmunining namoyon bo'lishi	424
Н. АБРАИМОВА, Н. САМАНДАРОВА,- Цицерон таълимоти ва унинг таржимаға бўлган муносабати	426